

МИНТАҚА ВА ТУРИЗМНИ ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

А.К.Дустова

Бухоро давлат университети

“Иқтисодиёт” кафедраси укитувчisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7115217>

Туризм жаҳон иқтисодиётидаги энг тез ривожланаётган тармоқлардан биридир. Жаҳон туризм индустрясининг ўртача йиллик ўсиши йилига 4-5 фоизни ташкил қилмоқда. У ялпи жаҳон даромадининг 10 фоизини шакллантирмоқда. 2015 йилда дунёда саёҳат қилган туристлар сони деярли деярли бир миллиардан ошиқ бўлиб, туризмдан тушган даромадлар 1,3 трлн. долларга тенг бўлган. Айrim хорижий давлатлар иқтисодиётида туризмнинг улуши 50 фоиздан ортиқ. Жумладан, Венгрияда 61,0 фоиз, Грецияда – 50 фоиз, Багам оролларида 53 фоиз¹.

Жаҳон туризм ташкилоти (ЖТТ) маълумотларига қўра, туризм соҳасида банд бўлганлар сони 300 млн. кишига яқин бўлиб, жаҳондаги умумий бандликнинг 8 фоизига тўғри келади. Жаҳон миқёсида туристик хизматлар экспорти улуши 30 фоизни, товарлар ва хизматлар бўйича эса 6 фоизни ташкил этади. Охирги йилларда (2000-2016 йиллар) жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этишига қарамасдан, макроиқтисодий кўрсаткичлари бўйича юқори суръатли ўшишга эришилганлигига ушбу соҳани индустрнал даврдан сўнги босқич (уклад) нинг феномени сифатида қаралмоқда.

Минтақавий сиёсатнинг дунё тажрибаси қуйидаги умумий тенденцияларнинг мавжудлиги билан тавсифланади: номарказлаштириш, минтақалараро интеграция, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли фаровонлиги ва бошқалар.

Ҳозирда Ўзбекистонда минтақавий ривожланишини умумий стратегияси ва аниқ рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилмаган. Механизм сифатида асосан давлат бюджети доирасида айrim минтақаларга субвенсия ва дотациялар беришни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, минтақаларни ўрта муддатли ривожлентириш прогнозлари, айrim ҳудудлар (тармоқлар) бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва рағбатлантириш, кичик ва хусусий бизнесни (туризм соҳасида)

¹ Манба: Жаҳон туризм ташкилоти (ЖТТ) маълумотлари асосида ҳисобланган.

ривожлантириш борасида минтақалар учун имтиёзлар ва қулайликлар бериш бўйича ҳукумат қарорлари мавжуддир².

Хориж давлатларида кўплаб чора-тадбирлар ривожланиш даражаси бўйича орқада қолган минтақаларда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга йўналтирилган. Булар давлат корхоналарини жойлаштиришни рағбатлантириш, молявий ва молиявий бўлмаган чора-тадбирлар орқали минтақаларнинг (тармоқларнинг) рақобатбардошлигини ошириш ва жозибадорлигини яхшилаш, бюджет ва солиқ орқали имтиёз ва қўлайликлар бериш.

Кўпгина мамлакатларда минтақавий сиёсатнинг алоҳида механизмларидан ташқари минтақавий мақсадли дастурлар ишлаб чиқиши, чегара худудларни қўллаб-қувватлаш, маҳсус иқтисодий зоналар ва кластерни ташкил этиш механизмларидан кенг фойдаланилади.

Ривожланган Европа мамлакатларида минтақани (туризмни) ривожланишини қўллаб-қувватлаш механизми сифатида стратегия ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш жуда кенг қўлланилади.

Ўзбекистонда турли минтақалар даражасида, шунингдек, минтақавий туризм бозорини ривожлантиришга қаратилган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишида маълум тажриба бор. Жумладан, минтақаларни (тармоқларни) йиллик. Ўрта муддатли ривожлантириш прогнозлари ва давлат дастурлари ишлаб чиқиши кенг йўлга қўйилган. Масалан, беш йилга мўлжалланган Тошкент, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари амалга оширилмоқда.

Лекин бу йўналишда хориж давлатлар тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, айрим янги устувор йўналишлардан фойдаланиш мумкин. Куйидаги 1-жадвалда Финландия, Туркия ва Канада мамлакатларида ишлаб чиқилган туризмни ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишлари кўrsатиб ўтилган.

1-жадвал.

Хориж давлатларда туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишининг ўзига хос хусусиятлари³

²2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақаларини ривожлантириш дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг қарори, Тошкент, 2017 йил, 18 январь.

³Манба: Валединская Е.Н. Инновационные аспекты развития туризма в Московском регионе. Москва, 2011, с 16-20.

| Стратегияни ишлаб чиқиши принциплари | Финляндия | Турция | Канада |
|--|---|---|---|
| Барқарор ривожланиш концепциясин и ҳисобга олиш | Янги технологиялар, муқобил энергия манбаларидан, экологик тоза транспортдан фойдаланган туризм субъектларига субвенция ажратиш | Туризмни ривожлантиришда барқарор ривожланишга асосланган чора-тадбирларни қўллаш, минтақаларни комплекс ривожланишини таъминлаш, бандлик муаммоларни ҳал қилиш | Туризмни ривожлантиришда барқарор ривожланиш концепциясини қўллаш |
| Иновацияни амалга ошириш | Экотуризмни и ривожлантириш | Ўнта туристик шаҳарлар, тўққизта туристик рекреация зоналари еттита йўлакларини шакллантириш | Шиомлий минтақаларда экотуризмни ривожлантириш |

Минтақада туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишида БМТ томонидан таклиф этилган барқарор ривожланиш концепцияси ва инновацион технологияларни қўллашга қаратилган услублардан кенг фойдаланиш мумкин.

Хорижда минтақа ва туризмни ривожланишини тартибга солиш механизмларида ҳам бой тажриба тўпланган. Туризмни давлат томонидан бошқаришни учта моделга ажратиш мумкин. Биринчи модел – мамлакатда туризмни тартибга соловчи марказий бошқарув органини йўқлиги. Бунда туризмнинг асосий муаммолар ривожланган мамлакатларнинг ҳудудларининг ўзида ҳал қилинади.

Иккинчи модель – туризм алоҳида тармоқ вазирлиги томонидан бошқарилади. Бундай мамлакатлар қаторига Малайзия, Миср, Болгария, Туркияни киритиш мумкин. Асосий масала туристларни жалб қилиш учун қулагай шарт-шароит яратиб бериш, инфратузилма обьектларини ривожлантиришдан иборат.

Учунчи модельда давлат бошқарув тизими қўп тармоқли вазирлик ихтиёрида бўлиб, туризм бозорида фаолият олиб бораётган вазирликлар, идоралар ва корхоналарни координация қилиш, керакли меъёрий-хуқуқий хужжатларни тайёрлаш билан шуғулланади (Испания, Буюк Британия, Нидерландия).

Юқорида қайд этилган моделларнинг барчасида асосий муаммо марказий хукумат, тармоқ вазирликлари ва корхоналари, минтақа бошқарув органлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашдан иборат.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Валединская Е.Н. Инновационные аспекты развития туризма в Московском регионе. Москва, 2011, с 16-20.
2. Junaydulloevich, A. A., Mukhammedrizaevna, T. M., &Bakhritdinovna, A. N. (2020).Environmentallyfriendlyandsustainable supplychainmanagementintheplatformformeconomy. Economics, (3 (46)).
3. Junaydullaevich A.A. Innovative factors for agriculture development // Academy, 2020. № 4 (55).
4. Абдуллоев А.Ж., Давлатов С.С. Определения конкурентоспособности сельскохозяйственных предприятий // Современные тенденции развития аграрного комплекса, 2016. С. 1423-1426.
5. Абдуллоев А.Ж., Давлатов С.С. Развитие сотрудничества банковского и аграрного сектора в Узбекистане // Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования, 2016. С. 4092-4095.
6. Жаҳон туризм ташкилоти (ЖТТ) маълумотлари асосида ҳисобланган.
7. 2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақаларини ривожлантириш дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг қарори, Тошкент, 2017 йил, 18 январь.
8. M.M. Tairova and A.K. Dustova "Stimulating the economic growth of territories through the development of regional tourism." Central asian journal of medical and natural sciences 2.4 (2021): 1-4.
9. Dustova A. ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МАРКЕТИНГОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ РЕСПУБЛИКИ

УЗБЕКИСТАН // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 17.
– №. 17.

10. Dustova A. Система логистического туризма: особенности, функции и
возможности // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 20.
– №. 20.

11. Muhammedrisaevna T. M., Kahramanovna D. A. Logistic Tourism System:
Features, Functions and Opportunities // Miasto Przyszłości. – 2022. – С. 198-
200.